



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 13-iyun • Shanba • 71 (30.032) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Сайлов қонунчилиги-га сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилганлигини текшириш ҳуқуқи бериладиган ваколатли вакили институту киритилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ СЕССИЯСИ ВА ШХТ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2009 йил 14 июнь куни Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида бўладиган сессиясида ҳамда 15-16 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг Екатеринбург шаҳрида ўтадиган мажлисида иштирок этади.

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкентда 10-11 июнь кунлари «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамияти ўрганиш институти томонидан Нагоя университети (Япония) ҳамда ЕХТ Лойиҳаларини мувофиқлаштирувчининг Ўзбекистондаги офиси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Германия, Хиндистон, Италия, Литва, Россия, Жанубий Корея, Япониядан таниқли экспертлар, мутахассислар, олимлар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари сайлов тизимининг қонунчилик асослари ва ҳокимият вакили органларига сайловларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ҳар томонлама кўриб чиқди. Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзи учун демократик сайлов стандартларининг энг юқори даражасини белгилаб олган мамлакатимизда ҳокимият вакили органларига сайловларни янада демократлаштириш жараёни изчил амалга оширилаётгани қайд этилди. Умумэтироф этилган халқаро нормалар, юксак демократик талаблар ва стандартларга мос самарали сайлов қонунчилиги базаси шакллантирилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлар, уларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўла амалга ошири-

нинг ишончли кафолатлари яратилди.

Конференция иштирокчилари 2009 йил декабрь ойининг охирида Ўзбекистонда бўлажак сайловлар сайлов қонунчилигига киритилган, бутун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришни таъминлаган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилишини қайд этди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига мувофиқ, жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида мамлакат олий қонунчилиги органи, жойлардаги ҳокимият вакили органларининг роли ва ўрнини янада кенгайтириш ҳамда мустақамлаш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги роли ва иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилганини таъкидлади. Депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалала-

ри, яъни ҳал этилишидан, ўз сиёсий йўналишидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларнинг ўта муҳимлигини келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилди.

Сайлов қонунчилиги сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилганлигини текшириш ҳуқуқи бериладиган ваколатли вакили институту киритилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди.

Конференция иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлирига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий принциплар, вазифалар, устувор йўналишлар, асосий босқич ҳамда тадбирларни ўзида мужассам этган ушбу Концепция хорижлик экспертлар, конференция иштирокчилари томонидан бўлажак сайлов энг юксак демократик савияда ўтказилишига ёрдам берадиган ҳужжат сифатида баҳоланди.

## ЎзХДП ҳаёти

# ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИККА ДАЪВАТ

ЎзХДП Миробод туман ташкилотининг конференциясида ҳар бир партия аъзоси дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга уйғоқ муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилди



Дунё бугун иқтисодий инқироз шароитида яшамоқда. Қўлаб мамлакатларда ишсизлар сонининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг қамайиб кетиши, истеъмол товарлар нарх-наволаридаги беқарорлик ва молиявий муассасаларда танг вазиятнинг юзага келиши кузатиляпти.

Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми. Дунёда рўй бераётган у ёки бу воқеанинг бизга таъсир ўтказмаслиги мумкин эмас. Шу маънода мамлакатимизда «кўпга келган» бу ҳодисанинг таъсирини қаматириш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди ва у ўз самарасини бермоқда. Қўлаб хорижлик мутахассислар, экспертлар, тадқиқот институтлари ва молия ташкилотлари жаҳон молиявий инқирози таъсирлари Ўзбекистонда кам сезилаётганини таъкидлашапти. Уларнинг эътирофи эътибор, бу узоқ йиллардан бери амалга оширилган ислохотлар — бозорнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганлиги, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилганлиги ҳамда давлатнинг бош илохотчилик

масъулиятини ўз зиммасига олганлиги натижада ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган таъминотида ҳаёт ҳақиқатлари, ҳалқимиз менталитети, миллий қадриятлари ҳисобга олинган эди. «Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқаради», деган, буғунга келиб ўзини оқламаган ғояга қўшилмади.

Ҳабарингиз бор, қатта 20 лик давлатларнинг Лондондаги саммитида жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган бундай лебрал ғоялардан воз кечишга келишилди.

Бундан ташқари, «ким зўр бўлса, ўша яшасин!» қабилидаги ўрмон қондасига қарши ўлароқ бизда кучли, йўналтирилган, мунтазам ижтимоий ҳимоя сифати юргизилмоқда. Бу эса ижтимоий портлашнинг, аҳоли ўртасидаги кескин табақаланнинг олдини олди.

Конференция кун тартибидеги асосий масалалардан бири ана шу мавзуга қаратилди.

Унда мудроқ, воқеалар олдида ухлаб турувчи, Ватан тақдирига бефарқ аъзолар бўлмаслиги керак.

Конференцияда туман партия ташкилотининг беш йиллик фаолияти муҳокама қилинди. Маърузачи туман партия кенгаши раиси Раиса Қушова ва сўзга чиққанлар ҳисобот даврида партия сафиде ёшлар сони ортганлиги, туман ҳаётида партиянинг таъсири ва нуфузи ошганлигини алоҳида таъкидлашди. Лекин шу билан бирга, партия фаолиятида камчиликлар ҳам оз эмас. Айтилди, туманда бандлик дастури мавжуд. Унинг



амалда қандай бажарилаётгани юзасидан партия кенгаши изчил мониторинг олиб бормаган. Электоратимиз манфаати билан боғлиқ аниқ масалалар, масалан, коммунал хизматлар ҳолатига доир масалалар ҳокимликка олиб чиқилмаган. Хар бир ҳудудда инқирозга қарши чораларнинг худудий дастури ишлаб чиқилган. Унда ижтимоий масалаларга оид бандларнинг бажарилишига туман партия ташкилоти, ХДП аъзоларининг фаол иштирокчиси таъминлаш лозим.

Юқоридаги каби камчиликлар ва навбатдаги дол-

зарб вазифалар конференция ишида иштирок қилган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов томонидан кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда туман партия ташкилоти фаолиятини жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Партия ташкилоти фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди, туман партия кенгаши янги таркиби шакллантирилди ва Тошкент шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ахбор ҚОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

## ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

# ЗИЙРАК. БИЛИМЛИ. ТАШАББУСКОР

## Бу йил Самарқанд шаҳрида еттинчи марта «Шарқ тароналари» анъанавий халқаро мусиқа фестивали ўтказилади

Мусиқа санъати неча минг йиллардан буён инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ олами янада мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараккиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусиқа

санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунинг аққол тасдиғидир.

Бой маданиятимиз дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун дунёга янада кенгроқ таништириш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини бахраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу ан-

жуманнинг аҳамияти катта. Самарқанд азалдан илм-фан, санъат бешиги сифатида маълум ва машҳур. Қўҳна Афросиёб харобаларидан топилган деворий суратларда ҳам созанда ва хонандалар тасвирини кўриш мумкин. Бу эса юртимизда мусиқа санъати неча минг йиллар аввал ҳам юксак даражада ривожланганининг ёрқин далилидир. Буюк аждодларимизнинг мусиқа тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган асарлари, Самарқанд вилоятидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам су-

якдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам миллий мусиқа маданиятимиз илдиэлари нечоғли теран эканини кўрсатади.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Амир Темури даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку муғул, хитойу араб ва ахамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзган.

(Давоми 2-бетда)

## ЕТАКЧИ НЕГА ЎЗГАРДИ? 2

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чироқчи туман кенгаши пленумидан кейинги ўйлар



ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

## 3



БАРЧАСИ БАҲРАЙНДА ҲАЛ БЎЛАДИ

## 4



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

Хали ҳам ўша йғилиш таассуроти билан юрибман. Пленум бошланиши билан, аввало ташкилий масала кўрилди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Рашид Муртазаев партиямиз туман кенгаши раислигига Шоназар Жовлиев номзодини тавсия қилди. Фаолларнинг бир овоздан қўллаб-қувватлаши натижасида Ш.Жовлиев туман кенгаши раислигига сайланди.

Кун тартибига бир қанча масала киртилган эди. Асосий масала бўйича раис маърузаси тинланди. Рашид Муртазаев туман партия ташкилотиде юзага келган ахволни таҳлил қилди: — Нега энди энг кўп аъзони бирлаштириб турган туманда бундай ахвол ҳукми сурмоқда? Ташаббускорлик йўқ, интизом яхши эмас. Ташкилотчилик сезилмайди. Олдинда эса сайловлар турибди. Одамларни ишонтириш учун, аввало партия ташкилотини обрўини тиклаб олиши керак. Биз Шоназар Жовлиевга ишонч билдирдик. Бироқ ҳамжihat, ахил бўлиб ишласам, депутатларимиз ва фаолларимизнинг ташаббускорлигини оширмасак, кутилган натижага эришиб бўлмайди...

Нега шундай ахвол ўз берди? Нега яна Ш. Жовлиев етакчиликлари келди?

Чироқчи тумани воҳода энг катта худудга эга. Иқтисоди асосан пахтачилик, галлачилик, чорвачиликка боғлиқ. Пахта тозалаш корхонасидан ташқари йирик саноат тизими йўқ. Аммо кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Чироқчиликлар ниҳоятда меҳнаткаш, танти, меҳмондўст. Худудда Халқ демократик партиясининг 3 минга яқин аъзоси меҳнат қилади. Ўтган сайловларда сайланган туман кенгашининг 30 депутатидан 15 нафари, вилоят Кенгашининг 4 та депутати партиямиз аъзолари эди. Қолаверса, партиямиз тарафдорлари туманда кўп. Улар Ш. Жовлиевга ҳам ишонч билдириб, туман кенгаши депутатлигига сайлаган. У шу туманда туғилиб ўсган.

ши раислигидан бўшади. Бироқ партия кенгаши, сайловчилари билан алоқани узмади. Аксинча, янада ғайрат билан депутатлик вазифасини адо қилди. Бу ҳақда Уйхонвут қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саидмурод Муҳаммадиев шундай дейди: — «Туман кенгашига сайланган депутатимиз Шоназар Жовлиевнинг ишларидан хурсандимиз. У қишлоқларни газлаштириш, айрим йўлларга асфальт ётқизиш лойиҳаси тузилишида ташаббускор бўлди. Катта ташкилотчи». Туман раҳбари ўзгариб, вазият соғломлашган, Жовлиев яна туманга қайтиб, партия кенгашида оддий ходим бўлиб ишлади. Фаол

қишлоқларда касаначиликни ривожлантириш, кичик бизнес тараққиёти, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик, партия нашрларига обуна, бўлажак сайловларга тайёргарлик, депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш каби масалаларга сафдошлар эътиборини қаратди.

Пленумда сўзга чиққан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, партиямиздан Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Холлиёр Қодировнинг куйдаги гаплари кўпчиликка маъқул бўлди.

— Мен Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон саноатини ўн қартаф элтишни йўллари ва чоралари» китобини синчиқлаб ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат, дунёдаги ўзгаришлар бизга ҳам таъсир қилади. Бироқ пишиқ-пухта тузилган режа ва дастурлар юртимизда танглик юз беришига йўл қўймайди. Бизнинг Чироқчидек қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутадиган туманда олдимизда кўп вазифалар турибди. Қўлни қўлга берсак, ахил бўлсак, самара катта бўлади. Шоназар Жовлиев партия ташкилотиде соғлом муҳит вужудга келтиришига, партиямиз етакчиси сифатида аъзоларни мустаҳкам жипслаштириб, дастурий мақсадларимизни ҳаётга жорий этишда самарали меҳнат қилишига ишонаман. Биз эса шундай етакчиларнинг ёнида туришимиз, ҳар жихатдан қўмаклашимиз, партиямиз мақсадларини амалга ошириш учун биргаликда курашимиз керак.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЕТАКЧИ НЕГА ЎЗГАРДИ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чироқчи туман кенгаши пленумидан кейинги ўйлар

Қишлоқ хўжалик машиналари муҳандис-механик ихтисослигига эга. Тумандаги автохўжаликда автослесарликдан иш бошлаган. Шаҳрисабз консерва корхонасида меҳнат қилган. 2002-2003 йилларда партия туман кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатди. У билан ишлаган, ишлаётганлар унинг жонқуялиги, оғир-вазминлигини таъкидлашди. Аммо туманнинг собиқ раҳбариятига у ўша пайтда ёқмади...

Узаро зиддият кескинлашган, ариза бериб, туман партия кенга-

депутат сифатида аста-секин яна обрў топди. Шунинг учун ҳам унинг номзоди туман партия кенгаши раислигига кўрсатилди ва иккинчи бор сайланди. У пленумдаги сўзида ЎзХДП Марказий Кенгашининг кейинги пленумидан келиб чиқадиган вазифаларни таҳлил қилди, истиқболли режалар, Инқирозга қарши чоралар дастури, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини туманда ижро этишда партия ташкилотлари ва вазифалари хусусида жўяли тақлифларни ўртага ташлади. Хусусан,

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида жойлардаги ҚВП инфраструктурасини яхшилаш ва уларни замонавий тиббий асбоб - ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бўстонлик туманидага Боғистон қишлоқ врачлик пунктига ҳам «Саломатлик II» лойиҳасига асосан қўллаб-қўрғий теологиялар келтирилди.

Бугунги кунда Рустам Орифжонов раҳбарлигидаги тиббиёт ходимлари 2500 дан ортқ аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Абдиров ХАЙДАРОВ олган суратлар.



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Концепцияда бутун сайлов комиссиялари тизими, муассасалар, сайлов жараёнига жалб этилган сиёсий партияларнинг фаолияти сайлов давомида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилишини таъминлашга қаратилган аниқ белгиланган. Фақат Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисоблангани ва ҳеч қандай сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Концепцияда сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар беришни истисно этувчи қонунчилик талаблари ўз аксини топган. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнини қўқурлаштиришнинг муҳим омиллига айланганини қайд этди.


Демократиянинг барча мамлакатлар учун универсал ва бир хил модели бўлмагани каби, сайлов тизимининг ҳам бир хил модели йўқлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда сайлов тизими, ушбу соҳадаги қонунчилик, бир томондан, умумэтироф этилган принцип ва стандартларга мувофиқ, иккинчи томондан, жамоатчилик онги, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, мамлакат аҳолисининг аъёнлари ҳамда менталитетини юксалтириш ҳисобга олинган ҳолда ривожланмоқда.

Халқаро конференция арафасида унинг иштирокчилари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторинги институтида учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар давомида ҳорижий экспертлар сиёсий партиялар фракциялари фаолияти билан танишиди, сайловларнинг демократлигини таъминлаш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистонда сайловларни ахборот-таҳлилий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш механизмларига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ўзининг олис тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табияти ва ўлмас руҳини, мейморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужасам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келадиган улғувор шаҳардир. «Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиб келадиган бу анжуманнинг айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келинадигани ҳам чуқур рамизий маъно бор. Мафтунок Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган мушташ обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан гуё мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек туюлади. Бу садолар шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар бир инсонга тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб, эзуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаётгандек. Бу йил «Шарқ тарона-

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНГҲАР ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ



ларнинг ҳамоҳанглиги, кўйилдиган рақсларнинг бетакрорлиги борасида фаол иш олиб бормоқда. Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, истевдоди ва маҳоратини намоён қилишга, иждоди беллашуларда юқори ўрин ва муқофотларни эгаллашга

ҳаракат қилиши табиий, албатта. Шу маънода, иштирокчилар сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 1997 йилги мусиқа анжуманида 33 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда иштирокчи давлатлар сони 51 га етди. Бу гал Баҳрайн,

ҳоратини намойиш қилишга интилган санъаткорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, дастлабки фестивалга Германиядан 3 нафар, Япониядан 2 нафар, Россиядан 7 нафар қатнашчи келган бўлса, 2007 йилги фестивалга ҳам давлатлардан тегишли равишда 7, 18 ҳамда 16 нафар хонанда ва созанда ташриф бурди.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, иқтидорларини саралаш ва юзага чиқариш, санъат ва санъаткорни юксак поғонага кўтаришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Биринчи фестивалда бosh соврин — Гран-прини олган озарбойжонлик Симара Имановани нафақат бошқа давлатлар, балки ўзининг юртида ҳам «Шарқ тароналари»дан кейин кўпчилик яхши танийдиган бўлгани ҳеч қандай муволафа эмас. Мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда ҳам мазкур фестивалда турли йилларда биринчи ўринни қўлга ки-

ритган ёшларимизнинг бугунги муваффақияти ҳаммамизни қувонтиради. — Дунёдаги деярли барча халқлар эшигига сўз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Зоир Мирзаев. — Шунинг учун биз фестивалимизнинг азиз меҳмонларини ўзга элларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи тинчлик ва дустлик элчилари сифатида кутиб оламиз. Уларга донги кетган шахримиз билан яқиндан танишиш, тарихий обидаларга саёҳат уюштириш, турли учрашувлар ва мулоқотлар, илмий-амалий анжуманларда қатнашиш имкони яратилади. Халқимиз азиздан бунёдкор ва яратувчидир. Эльтимизга хос бундай фазилатлар, айниса, катта тадбир ва қутлуг тўйлар арафасида янада ёрқинроқ намоён бўлиши ҳам ҳеч қимга сир эмас. Шу маънода, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик бароба-

рида шахримиздаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари кўлами янада кенгайганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ишларга шаҳар аҳолисининг барча қатлами муносиб улуш қўшаёттир. Чунки дилларга шуқуҳ бағишловчи фестивалнинг бошланишини мусиқа санъати муҳлису мустақаддилари, ёшу қари, ўқувчи талаба интизорлик билан кутмоқда.

Инсон ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат бўлиши мусиқа санъати, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир. Тез орада Самарқанднинг юраги ҳисобланган муаззам майдон узра яна карнай-сурнай садолари, шарқона тароналар янграйди. Қуй қўшиқча, қўшиқлар рақсга уланади. Регистондан таралажак наволарда эрк ва хурлик, юрт осодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта кунлар қадри тараннум этилади. Озод РАЖАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ХАРБИЙЛАРГА УЙЛАР

Давлатимиз томонидан Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбий хизматчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни турар-жойлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда Жиззах гарнизони ҳарбий хизматчилари учун 32 хонадондан иборат янги кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилгани ҳам бунинг исботидир. Шаҳар марказида қад ростлаган лойиҳа қиймати 1 миллиард 996 миллион сўмга тенг ушбу замонавий, шинам турар-жой биносини «Деканте плюс» хусусий фирмаси бунёдкорлари қисқа муддатда қуриб битказдилар. — Миннатдорчилигимизнинг чеги йўқ, — дейди ҳарбий хизматчи подполковник Олим Бобожоновнинг турмуш ўртоғи Нодирахон Бобожонова қўшиларнинг фикрини ифодалаб. — Барча қулайликларга эга уч хонали квартира оиламиз аъзоларига гоаят маъқул тушди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ.

ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус илим даргоҳларида ўқув мавсуми якунланмоқда. Қўллаб-қўрғий талабалар эндиликда мустақил ҳаётга қадам қўйиб, ўз мутахассисликлари бўйича иш бошлашди. Шунинг билан олий таълим олиётган бандликда кўмаклашиш маркази томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Яқинда тумандаги марказий иштирокчи томонидан махсус тарғибот маркази ташкил қилинган. Бу марказнинг мақсади бўлиб ўтди. Бундай тадбир жорий йилда иккинчи марта ўтказилаёттир. Меҳнат ярмаркасининг асосий

Абдумалик ХАЙДАРОВ.

«ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙМИЗ!»

Сирдарё соҳилида очилган «Паррандачиллик — Работ» хусусий корхонасида 100 минг жўжа ишлаб чиқаришга мўлжалланган инкубатор қурилмалари ўрнатилди. Сайхонбод туман ҳокимлиги корхонанинг хайрли ишини қўллаб-қувватлаб, қурилиш ва озуқа экинлари етиштириш учун ер майдони ажратди. Аини вақтда хусусий корхона паррандабоқарлари инкубатордан чиқарилган дастлабки 30 минг жўжа парваришига киришдилар. — Куздан бошлаб сирдарёликлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси учун кунига 70-80 минг донадан тухум, шунингдек, парранда гушти етказиб берамиз. Бундан ташқари, яна 170 мингга наслдор жўжа чиқариб парваришлаб, бир қисмини аҳолига сотиш ниятимиз бор, — дейди паррандабоқар Бахтиёр Ибрагимов.

Мунаввар ПАРДАЕВ

ҚИШЛОҚДАГИ БАҚУВВАТ КОРХОНА

Қизилтепа туманидаги «Вангози» қишлоғи туман марказидан анча олисда бўлишига қарамай агроқўрғонча макомини олган. Қишлоққа замонавий корхоналар, супермаркетлардан асло қолишмай диган савдо марказлари, барча қулайликларга эга дехқон бозори, тўйхоналар, касб-хўнара коллежи ва бири-бирдан бежирим умумтаълим мактаблари ажиб бир улғуворлик касб этиб турибди. Қишлоқнинг қок ўртасида хорик корхоналари билан бемалол бўйлаша оладиган «Вангози агроэкспорт» масъулияти чекланган жамиятига тегишли корхона мавжуд. 2004 йил бошларида «Зомин-инвест» лизинг компаниясининг 407 миллион сўмлик узоқ муддатли кредити эвазига қурилган бу корхонада дастлаб 32 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирда улар сони 135 нафардан ошиб кетди. Ишчиларнинг ҳаммаси шу қишлоқлик йигит-қизлар. — Корхонамиз бир кунда 70 тонна чигит ва 30 тонна бугдойни қайта ишлаб, сифатли ўсим-

Музаффар ШАРОПОВ



Қадрият — ўзликни англаш

Амалий безак санъатининг қадимий ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган турларидан бири каштачиликдир.

Ушбу нодир санъат гулшани Урта Осиёга бўлган босқинлик даврида ҳам йўқ бўлиб кетмади.

Бугунги кунга келиб ўзбек каштачилиги янгилаш услубда қайта тиклана бошлади.

«Ипак иплар жилоси» номи кўрғазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



наларига юқори баҳо беришди.

— Мен бу кўрғазмани кўриб хайратда қолдим, — дейди Миср Араб Республикаси элчихонасининг маданият маркази директори Аҳмад Ражаб Ризқ.

Албатта хорижлик мутахассиснинг чин юракдан айтган ушбу сўзлари ҳар бир ўзбек фарзандида ўзгача бир фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ

ИПАК ИПЛАР ЖИЛОСИ

каштадўзларининг юксак санъатидан далолат беради.

кистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Хунарманд» уюшмаси ва

тимизнинг турли бурчакларидан келган кўрғазма иштирокчилари ва меҳмонларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди.

— Хозир жуда ҳам хаяжондаман, — дейди Бухоро вилоятидан келган иштирокчи Дилноза Нарзуллаева.

Шундан сўнг ёш каштадўзларимизнинг санъат асарлари намойиш этилди.



«Зафарнома» асарига ишлаган «Темур тахта» миниятурасида (1467 й.) каштали чодирни ҳам акс эттирган.

хоро, Самарқанд маҳсулотлари кўпроқ йўрма чок билан, Шахрисабзда кандахаёл, йўрма, ироқи, Тошкентда эса кўпроқ босма

рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари асосида таъбиқлаш билан шу йилнинг 10-24 июнь кунлар ўтказилади

Ижтимоий ҳимоя атамаларининг изоҳи

АҲОЛИГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ НАЗОРАТИ

— аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатилиши устидан давлат жамоатчилиги назоратини амалга ошириш; муҳтож фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонун ҳужжатларига амал қилиш;

АҲОЛИГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМДА ТЕНГЛИК

— ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоғида фуқаронинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, яшаш жойи, шунингдек, бошқа ҳолатлари эътиборга олинган ҳолда, ҳуқуқларининг ҳар қандай чекланиши ёки қонунда бевосита назарда тутилмаган ҳолларда афзалликлар берилиши тақиқланади.

АҲОЛИГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

— муҳтож фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши чоғида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига, шунингдек, миллий қадриятларга, умуминсоний тамойилларга қатъий амал қилинади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоғида қуйидагиларга таянилади:

- ижтимоий ёрдам кўрсатишда инсонпарварлик қондаларига амал қилиш;
— ижтимоий адолат;
— ижтимоий ёрдам кўрсатишни мунтазам тақомиллаштириб бориш;
— ижтимоий ёрдамнинг умумийлиги ва ҳеч кимни камситишга йўл қўймаслиги;
— ёрдамдан фойдаланишнинг ихтиёрийлиги;
— кўрсатиладиган ёрдамнинг турмуш кечириш минимумидан кам бўлмаслиги;
— ижтимоий ёрдам кўрсатиш органларнинг ўз фаолиятларини ошқоралик ва қонунийлик асосида амалга ошириши;
— ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида хусусий ва ҳомийлик маблағларининг кенг жалб этилиши;
— ижтимоий ёрдам кўрсатишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кенг жалб этиш.

АҲОЛИГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

— аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат ижтимоий сийосатининг асосий йўналиши ва муҳим таркибий қисми сифатида юқоридан қуйилган томон ягона тамойиллар асосида ташкил этилади ҳамда бошқарилади.

«Ижтимоий ҳимоя» атамалар изоҳли лугати китобидан олинди.


МАҲАЛЛАДА ЧОЙХОНА

Пастдарғом туманидаги «Арабхона» қишлоғида маданий-маиший иншоотлар, хизмат кўрсатишчи шохобчалар қурилиши авжида.

Буларнинг барчаси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастурига асосан амалга оширилмоқда.

Абдували ХУДОЁЕВ

БАРЧАСИ БАҲРАЙНДА ҲАЛ БЎЛАДИ



Келаси йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш учрашувларида катнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳамюртларимизнинг мундiali йўналиши учун курашини давом эттиришлари гурӯҳдаги кейинги тур баҳсларига боғлиқ эканигини билдирганди.

Юқоридagi учрашувларда биз кутган натижага қайд этилди. Дастлаб кунчиқар юрт вакиллари қатарликлар билан (1:1) дуранг ўйнашган бўлса,

Австралия терма жамоаси баҳрайнликлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0.

Мусобақа низомига қўра, гуруҳнинг дастлабки икки жамоаси ЖАРДА ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этади.

Осиё минтақаси гуруҳ босқичининг сўнги тур ўйинлари 17 июнь кунини бўлиб ўтади.

Кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу муҳим ўйин олдидан ўқув-масгулотларини бошлади.

«А» гуруҳи
У Ю Д М Т-Н О
1. Австралия 7 5 2 0 10-0 17
2. Япония 7 4 3 0 10-4 15
3. Бахрайн 7 2 1 4 5-8 7
4. Қатар 8 1 3 4 5-14 6
5. Ўзбекистон 7 1 1 5 5-9 4

«В» гуруҳи
1. Жанубий Корея 7 4 3 0 11-3 15
2. ҚХДР 7 3 2 2 7-5 11
3. С.Арабистони 7 3 2 2 8-8 11
4. Эрон 7 2 4 1 7-6 10
5. БАА 8 0 1 7 6-17 1

Китоб жавонингизга

«СИЗДАН МИННАТДОРМАН»

Киши маънавиятини юксалтиришда китобларнинг аҳамияти беқийсдир. Шу босис зукко китобхон янги-янги асарлар чиқишини соғинч билан кутади.

Ушбу китоб «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ҳомийлигида «Tafakkur» нашриёти томонидан нашрга тайёрланиб, кўп нусхада чоп этилган.

Табиат сабоғи ТАҲДИД

Дарё бўйида чўпон билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Унинг ичи тўла гап экан. Ҳатто биз ўтирган дўнглик ҳақида ҳам ривоят айтди.

Суҳбат асносида дарёга термиланган Ажойиб манзара. Қалдирғочлар пастлаб учиб келиб, тўшини сувга уради.

Чўпоннинг гапига қараганда жониворлар лойни сўлақлари билан намлашаркан. Омўхта бўлсин деб сувдан ҳам фойдаланишаркан.

— Ох, қаргани мўлжалга олди шекилли, — деб чўпон ўрнидан турди. У калхатни чўчитмоқчи бўлиб, турли хил ҳаракатлар қилди.

— Калхатнинг ҳийласини қаранг. Қаргани узоқдан таъқиб қилиб келди. Кўрдингизми, жонивор жон талвасасида ўзини сувга олди, — деди чўпон ҳаяжонланиб.

— Дам ўтмай яна дарё узра қалдирғочлар уча бошлади. Улар гўё ҳамиша тинчлик, хотиржамлик бўлсин, дейишаётган эди.

Тинчлик, хотиржамликка нима өтсин. Тинчлик бор жойда ҳаёт ширин, меҳнатда унум, ҳосилда барака бўлади.

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.



Йиғинга миллий чемпионатида тўп сураётган йиғирма уч нафар футболчи жалб этилган. Олдинги йиғинлардан фарқи жиҳати, бу гал бирорта легионер машгулотларга жалб этилмади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкентда ҳамюртларимизнинг устунлигида кечган дастлабки ўйинда Бахрайн футболчилари муҳим уч очкони кўлга киритишганди — 0:1.

Эркин ХОЛБОБОВ